



# ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 12 июл, жума № 111 (1328)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган республика «Маънавият ва маърифат» кенгашининг навбатдаги мажлисида маданият, таълим-тарбия соҳаси ходимлари, ижодкор зиёдилар, ноширлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди. Мажлисда маънавият ва маърифат ташкилотлари ҳамда матбуот, радио-телевидениенинг жамиятимиз ҳаётини эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичидаги ўрни ва роли билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари, мазкур кенгаш раиси Х.Кароматов бошқарди. Мажлис катнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султоновнинг жамият ҳаётини эркинлаштиришнинг янги босқичида маънавият ва маърифат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли тўғрисидаги маърузасини тингладилар. Маърузада мамлакатимиз Президентининг ўзининг кейинги пайтдаги катор чиқишларида, айниқса, маънавият ва маърифат намоёндалари, журналистлар билан бўлган учрашувларда бу масалалар бўйича белгилаб берган устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаб ўтилдики, одамларни бугун дунёда рўй бераётган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлардан хабардор қилиш, ҳозирги куннинг долзарб масалалари бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш, уларнинг ён-атрофимизда бўлаётган воқеалардан тўғри хулосалар чиқариши учун кўмаклашиш маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ходимларининг энг муҳим вазифаси, профессионал бурчи ҳисобланади.

Лекин, афсуски, бугунги кунда бу бордаги ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Хусусан, матбуотда, радио-телевидениеда бирёқлама ва саёз фикрлар, баландпарвоз гаплар устунлик қилмоқда, аксарият журналист ва шарҳловчилар фаолиятида профессионал маҳорат, билим ва журъат етишмади.

Маълумки, 2001 йил 11 сентябрда Америка Қўшма Штатларида содир этилган муҳим террорчилик ҳужумларидан кейин жаҳондаги сиёсий вазият кескин ўзгара бошлади. Табиийки, бу жараёнлар бизнинг минтақамизга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бироқ бизнинг матбуотимиз саҳифаларида, радио-телевидение тўлкинларида халқаро майдондаги ана шу жараёнларни теран таҳлил ва талқин қилиш борасида ҳам оқсоқлик сезилмоқда.

Шунингдек, мажлис катнашчилари томонидан жамиятимиз ҳаётида, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида рўй бераётган улкан ўзгаришларни кино ва театр санъатида, рангтаъсир асарларида, бадиий адабиётда тўлақонли акс эттириш, бу ютуқларнинг бунёдкори бўлган замонавий қаҳрамон образини яратиш барча ижодкорларнинг муҳим вазифаси бўлиб қолаётгани яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Айниқса, сўз эркинлиги тамойили ҳаётга кенг жорий этилаётган ҳозирги шароит ҳар бир ижодкордан, маънавият ва маърифат соҳаси ходимларидан ижтимоий фаолликни, профессионал маҳорат, журъат ва қатъиятни талаб қилади, бинобарин, матбуотда айтилаётган ҳар бир фикр чуқур асосланган бўлиши зарур.

Бу масалада журналистларнинг ҳақ-хуқуқ ва эркинликлари қанчалик катта бўлса, масъулият ва мажбурияти ҳам шунчалик юксак бўлиши лозим.

(ЎЗА).

Ўтган қарийб ўн бир йил ичида мамлакатимизда қўлга киритилган улкан муваффақиятлардан бири — галла мустақиллигига эришилганлигидир. Халқимиз ўз донимиз, ширин нонимиз, дея бекорга айтмайди. Бизда галлага, донга алоҳида меҳр-муҳаббат, эъзоз билан қаралади. Республикаимиз ҳукумати, хусусан Президентимизнинг қатъий саяё-ҳаракати шарофати ила хўжалиқларимизда етиштирилаётган галла салмоғи йил сайин ошиб бормоқда. Яхши эслаймиз, дастлабки пайтларда ўртача ҳосилдорлик 15-20 центнер атрофида бўлди. 1996 йилга келиб гектар ҳосилдорлиги 22,6 центнерни ташкил этди. Ҳозирги кундаги натижалар шунинг кўрсаткичидаки, диёримиздаги сугориладиган майдонларда гектар ҳосилдорлигини бемалол 40-45 центнерга етказиш имконияти бор. Галлачиликни давр талаблари даражасида юксалтириш, сара дон олиш, ўз шароитига мос навлар яратишда андижонликлар барчага намуна бўлиб келишмоқда.

Куйида азамат галлакорларимиз эришган қувончли натижалар, хайрли ташаббуслар хусусида ҳикоя қилинади.

## ГАЛЛАКОРЛАРНИНГ БАХТЛИ ОНЛАРИ



Шароф Рашидов туманида колоқликдан чиқиш борасидаги саяё-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Нихоят узок куттилган 33 минг тонналик галла хирмон уюлди.

Ютуққа эришишнинг бош омили меҳнатга яраша рағбат, муайян даромадни ҳис қилишда бўлди. Галла пайкалларида ишловчиларга буюртмачилар томонидан ажратилган бўнак маблағлари ўз вақтида етказиб берилди. Механизаторлар, сувчилар муайян маош билан таъминлаб турилди. Айниқса, деҳқон-фермер хўжалиқларида ишловчилар даромади кескин ошди. Оқибатида ер ҳосилдорлиги, гектарлар самарадорлиги юксалди. Оддийгина бир мисол «Искандар» фермер хўжалиги қўланганидан икки ҳисса кўп хирмон уюди. Хосилнинг 106 фоизи шартномага мувофиқ сотилди. Қолган галла аъзолар ўртасида тенг тақсимланди.

— Юксак хирмон нафақат деҳқонга, балки дон қабул қилувчиларга ҳам боғлиқ, — дейди фермер Холбуви Жабборова. — Далада етиштирилган хосилнинг асосий қисмини энг юқори навларга сотдик. Бу даромадимиз чўғини оширди. Туманда иш деҳқон талаби асосида ташкил этилди. Натижада янги ҳосилнинг қарийб 80 фоизи юқори навларга сотилди. Биз тумандаги Узоқов номли дон қабул пунктини ҳам кўздан кечирдик. Бу ерда деҳқонлар учун махсус ошхона ташкил этилган. Даладан хориб-чарчаб келган киши бир пас дам олиб бир пиёла чой ичиши мумкин. Дон намунаси ижрочи иштирокида назоратдан ўтказилиб, ҳолисона баҳосини олади.

— Бу йилги мавсумда деҳқонлар меҳнатини баҳолашда адолат тамойили бузилмаслигини таъминлашга астойдил интилдик, — дейди дон қабул қилиш пункти мудири ўринбосари Хўжам Бўстонов. — Топширилган ҳосил ҳақини тўлаб боришда ҳам узилишларга йўл қўйилмапти. Барча юмушлар икки томонлама ўзаро манфаатли шартнома талаблари асосида олиб борилапти.

Қабул пунктида иш ўз смена асосида ташкил этилиб, ишловчиларга барча қулайликлар яратилган. 36 нафар хизматчи техника хавфсизлиги йўриқномалари билан таништирилган. Меҳнат ҳақи ишбай. Қанча кўп ва сифатли иш бажарсанг, даромад ҳам шунга яраша бўлади.

Н. ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

### ШИРКАТ ҲАМ, ПУДРАТЧИ ҲАМ МАМНУН

Тошкент вилояти галлакорлари давлатга дон сотиш шартнома-режасини бажарган бўлса-да, ўрим-йиғим қизгин давом этмоқда. Хисоб-китобларга қараганда, ҳали ўроқ тушмаган далалар режага қўшимча яна 10 минг тонна дон тайёрлаш имконини беради.

Шу кунларда вилоят далаларида галла ўраётган «Кейс»-лар қаторига яна 28 та «Кейс» келиб қўшилган, улар сони 183 тага етди. Шунингдек, 291 та Россия компанияси ҳам галлакорлар юмушини энгиллаштирмоқда.

Мутахассислар фикрича, жорий йилда вилоятда сугориладиган майдонлардан ўртача 50 центнер, лалми ерлардан эса 10-12 центнердан ҳосил олинди. Ҳосилдорлик айрим галлазорларда 90-100 центнерни ташкил этди. Жумладан, Янгийўл тумани «Ковунчи» ширкат хўжалиги далаларида меҳнат қилаётган оилавий пудратчилар ана шундай натижаларни қўлга киритди.

Жорий йилда 465 гектар майдонга дон экилган. Галлазорлар 50 та оилавий пудратчига бўлиб берилган. Ширкат аъзоларига кўпи билан 10 гектаргача ер берган. Ўртача ҳосилдорлик эса 60 центнерни ташкил этди. Оилавий пудратчилардан Х.Абдусаломов 14 гектар ердан 70 центнердан, А.Ваҳобов эса 7 гектар ердан 68 центнердан ошириб ҳосил кўтарди.

(ЎЗА).

Навбахор тумани галлакорлари ҳар гектар экин майдонидан 32 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга галла сотиш шартнома-режасини бажаришди. Қабул пунктларига 17 минг 424 тонна дон топширилди. Бу ўтган йилга нисбатан минг тонна кўпдир.

### НАВБАҲОР ОДИМИ

Бу муваффақиятга «Янгиқўрғон», «Навбахор», Охунбобоев номидаги,

«Истиқлол», «Кескентерак» ширкат хўжаликлари, 100 дан зиёд фермер хўжаликлари муносиб улуш қўшди. Навбахорликлар бу йил галланинг ўзидан 1,5 миллиард сўм даромад қилишди.

Туманда галла ўрим-йиғими давом этмоқда. (ЎЗА).



## МЕҲНАТ РАҒБАТ ТОПГАЧ...

Дон элининг ризк-насибаси, тўкин-сочинлигини манабу. Шу боис Бухоро вилоятида «Галла-2002» мавсуми кўтаринки руҳда ўтмоқда. Уфққа туташ галлазорлар бағрида 98 та «Кейс», бошқа русумдаги кўпплаб агрегатлар хайкириги бир зум ҳам тинмайди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил бошқоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори дастуриламал вазифасини ўтади. Оддий пудратчидан тортиб, ўрим-йиғим экипажининг ҳар бир аъзоси 60 минг гектар ерга экилган дон ҳосилини нобудгарчиликсиз, тез ва соз саранжомлаб олиш иштиғида жон куйдирилмоқда. 18 та кўчма гуруҳ 183 та комбайннинг узлуқсиз ишлашини таъминламоқда.

Пойгада голиб чиқиш мардларга ярашади. Бу йил илғорлар қаторида маррага етиб келиб, вилоят хирмонининг юксалишига салмоқли улуш қўшган жондорлик галлакорларнинг шашти баланд. Улар вилоят хирмонларига салкам 13 минг тонналик улушлари билан хисса қўшишди.

— Жондор ахли, Бухоро воҳаси бу йилгидек ҳосил чўғи баланд бўлган йилни кам эслашади.

Мехнатобод туманидаги «Янгиқўрғон» хусусий чорвачилик фермаси жамоаси ана шу лоқайдлик боис моддий ва маънавий зарар кўрди. Тадбиркорлар ўз фаолиятини янада жонлантириш, кўпроқ даромад олиш орузида эдилар. Бунинг учун маблағ зарур. Қарз кўтариб, топган даромадлари билан уни қоплаётганлардан ибрат олишни истади. Яхши ният билан 2000 йилнинг майида Янгиер шаҳар «Тадбиркор банк» бўлимига 5 миллион қарз сўраб мурожаат этди. Керраки ҳужжатлар банк раҳбари А.Султоновга топширилди. Тадбиркор ҳужжатлари билан танишган банк ходими И.Қодиров унинг кўнглини хотиржам қилди. Навбат кутиб, пулни санаб олиш қолганди, холос.

Ораддан уч ой ўтган, тадбиркорга банкнинг 031075-

Фаллазорда ҳаёт қайнайдми. Учта «Кейс» компания олтиндек товланаётган бугдойзор бўйлаб охишта сузмоқда. Назоратчилар, ҳаракатдаги штаб аъзолари ҳам, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги етакчи мутахассислари ҳам шу ерда. Ҳоким билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида туманда 21.915 тонна дон етиштириш имкониятлари яратилганлиғи туман бўйича ҳосилдорлик катта 42,1 центнерга, етказилишини билиб олдик. Хамид Хайитов, Маъруф Рустамов, Исроил Ибрагимов, Нормурод Ботировга ўхшаган моҳир комбайнчиларга тенг келадигани хозирча йўқ. «Бухоро», «Зарафшон», «Истиқлол» ширкат хўжалиқлари, «Чорвадор», «Шернөзар», «Наврўз Зиб», «Бекмуроджон» фермер хўжаликлари энг юқори ҳосил олиб тилга тушган бўлсалар, ерга ҳақиқий эгалик хисси билан меҳнат қилган Саид Турдиев, Йўлдош Ҳожиёв, Қаҳрамон Қаландаров, Акмал ўринов сингари оилавий пудратчилар эришган ютуқлардан бутун туман ахлининг боши осмонда. Улар гектаридан 55-60 центнердан дон оlishнинг урдадасиндан чиқишди.

У. НАВРЎЗОВ, «Ишонч» мухбири.

### Ислоҳот йўлидаги ғовлар

Натижада у адлия бошқармасига мурожаат этишга

нес фондида тақдим ҳам қилинмаган экан. Демак, банк бошқарувчиси А.Султонов ва кредит бўлими бошлиғи И.Қодиров ишбилармонни узок муддат алдаб қилишган, Кизилқум шундаки, айбдорлар энгил жазолар билан сийлаб қўйилди. Бироқ бу билан муддао ҳосил бўлдики? Таассуфки йўқ. Тадбиркорлар навабатдан ўрин олишди холос. Мутасаддилар бу ҳолатни қандай баҳолашаркан?

З. ОТАБОВЕВ, Сирдарё вилоят адлия бошқармаси бўлими бошлиғи.

### ЁЗ - ЎТМОҚДА СОЗ

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг 700 нафар мактаб ўқувчиси ёзи таътил кунларида Андижон вилоятидаги ёзи оромгоҳларида дам олди. Қорақалпоғистонлик ўғил болалар вилоятнинг хушманзара жойларидан бири - Хонобод шаҳридаги «Нур» соғломлаштириш оромгоҳида хордиқ чиқарди.

Хонобод шаҳри тоғолди адирлар бағрида жойлашган. Бу ерда ўтказилган

кунлар унутилмас хотиралар қолдиради. Мазкур оромгоҳда кўпплаб спорт мусобақалари, танловлар, викториналар, топқа саёхатлар уюштирилди. — Мактаб ўқувчиларига махсус транспорт ажратилди, — дейди Хонобод шаҳри ҳокими ўринбосари А.Нуруллоев. — Бу ерда Қорақалпоғистон Р. спубликаси билан тўғридан-тўғри телефон алоқаси йўлга қўйилгани боис, оромгоҳда дам олаётган болалар ота-оналари билан гаплашиб туриш имконига эга бўлишди.

(ЎЗА).

## ТАДБИРКОРНИ ЯНА ЧУВ ТУШИРИШДИ

1969-сонли хатини тутказишди. Унда кредит бериш учун фонд маблағлари етишмаслиги боис имконият йўқлиги баён этилган. Хат

Бу йил Фарғона вилояти галлакорлари улкан хирмон кўтаришди. Давлатга бошқоқли дон сотиш шартнома режасини мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажарган вилоят деҳқонлари 103 минг гектар галла майдонининг ҳар гектари ҳисобига ўртача 45 центнердан сара дон йиғиб олишди. Режадаги 455,3 минг тонна ўрнига 460 минг тонна галла етиштирилди. Давлатга белгиланганидан 12 минг тонна, жами 290 минг тонна дон топширилди.

### ГОЛИБЛАРГА «ТИКО»

Яқинда Марғилон шаҳрида вилоятда галла ўрим-йиғим мавсуми якунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда вилоят раҳбарлари, туман ҳокимлари, галлакорлар ва ўрим-йиғим мавсумининг илғор вакиллари иштирок эттишди.

Тадбирда сўз олган Фарғона вилояти ҳокими, Олий Махлис депутати Алишер Отабоев миришкорларни улкан меҳнат утуғи билан қутлади ва вилоят деҳқонларининг бу зафар мавсумимиз мустақиллигининг 11 йиллик байрамига муносиб совға бўлганлигини айтди.

Фалладан юқори ҳосил олган ва ўрим-йиғим мавсумида энг яхши натижаларга эришган Олтиариқ ва Кува туманлари ҳокими Нўмонжон Омонов ва Омонжон Холбековларга вилоят ҳокими «Тико» автомобилларининг қалитини топширди.

Шунингдек, энг яхши натижаларни қўлга киритган хўжалиқлар раҳбарлари, комбайнчи, ижарачи, фермерлар ҳамда ўрим-йиғимда фаол иштирок этган ташкилотлар вакиллари ҳам қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

М.СОБИТОВ, «Ишонч» мухбири.

### Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллигига

**Қишлоқда ислохотларни жадаллаштириш ва саноятни дадил олиб кириш, ортиқча кучларни янги иш ўринлари билан таъминлаб, инфратузилмани шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.**

# ҚИШЛОҚДА ИСТИРОХАТ БОҒИ

Асака туманидаги Бобур номи ширкат хўжалиги ташаббуси билан бундан ўн икки йил аввал ташландиқ ер ўзлаштирилиб, 100 минг туп терак экилганди. Айни пайтда улар етилиб, баланд бўй чўзган. Иноқ жамоа ўзаро маслаҳатлашиб, мустақилликнинг 11 йиллиги шарафига хўжалиқда замонавий истироҳат боғи барпо этишга аҳд қилди.

Умумий ҳажми 6 гектар майдондан иборат бўлган боғда меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишлари учун барча кулайликлар мавжуд. Чунотчи, теннис корти, бассейни, бола-лар атракциони, бадиий саҳна, мажлислар мажмуаси... Шунингдек, янги қурилаётган спорт мажмуаси, стадион ҳам ишга туширилса, улар айниқса, ёшлар учун яхши совға бўлади.

Туман марказидан анча олисда жойлашган хўжалиқда, мана шундай ишларнинг амалга оширилишини илгарилари тасаввур қилиш қийин эди. Қишлоқ аҳли меҳнатдан сўнг маданий дам олишини кўзлаб барпо этилган истироҳат боғи оқшом-

лар файзли ўтишига хизмат қилади. Аммо маблагчи? Ҳозирги бозор шароитида ана шундай мажмуаларни қуришнинг ўзи бўладими, деган ҳақли савол туғилади.

Излаган имкон топаркан. Бобур номи ширкат хўжалиги жамоаси бирор корхонадан, ёхуд ташкилотдан қарз кўтармай, ўзлари ишлаб топган маблағдан чегирган 11 миллион сўмга замонавий боғ барпо этишди.

Маълумки, истиқлол берган экинлар туфайли Асакани дунё, дунёни эса кўплар қаторида бу жойда истиқомат қилувчилар таниди. Эндиликда асакаликлар фақат машина ишлаб чиқариш санвати билан эмас, балки қишлоқ хўжалигида, маиший ва маданий соҳаларда ҳам республика-мизда ўзига хос ўрин тутиб келяпти.

Аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва уларга шарт-шароит яратиш хусусида айнан Бобур номи ширкат хўжалиги алоҳида аҳамият қаратилаётгани бежиз эмас. Кейинги йилларда хўжалиқ тасарруфидида 9 та қишлоқнинг барчаси ободонлаштирилди, йўллар асфальтланди, гузарлар ва табиий газдан аҳоли

баҳраманд. Янгиобод кўрғониди, Қоратепи маҳалласида замонавий мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ўн икки йил аввал бу ёз мавсуми мароқли ўтиши учун ишчилар фарзандларининг 120 нафари вилоятдаги турли оромгоҳларда дам олишга юборилди. Ёки 45 та кам даромадли ва кўп бола-ли оилаларнинг фарзандлари ҳар йили дарслик, ўқув қуроллари билан бепул таъминланиб келинмоқда. Яқинда икки оила никоҳ ва суннат тўйлари жамоа ҳисобидан ўтказилди. «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан меҳнат ва уруш фахрийларига эътибор янада кучайган. Шу кунгача 30 нафардан ортиқ қария вилоят ва республиканинг турли санаторий-профилакторийларида касабга уюшма кўмаги билан дам олиб, саломатликларини тиклаб қайтишди. Буларнинг ҳаммаси ҳамжиҳатлик, фидойи меҳнат меваси.

Ўтган йили жамоа ахли қишлоқ хўжалигидан 51 миллион сўм соф даромад олди. Бу — янги технологияларни олиб кириш, илғор тажрибаларни қўллаш билан бир қаторда ишчилар моддий манфаатдорлигининг ошишига имкон яратди. Буларнинг ҳаммаси истиқлол шарофатидандир.

Эътиборлиси шуки, пахта ҳосилдорлиги 40 центнердан 52 центнерга кўтарилган бўлса, галлчиликдаги натижалар янада кўнунчли. Гектаридан 65-70 центнердан сарадон олинапти.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**  
**«Ишонч» мухбири.**

Ўтган йили жамоа ахли қишлоқ хўжалигидан 51 миллион сўм соф даромад олди. Бу — янги технологияларни олиб кириш, илғор тажрибаларни қўллаш билан бир қаторда ишчилар моддий манфаатдорлигининг ошишига имкон яратди. Буларнинг ҳаммаси истиқлол шарофатидандир.

Эътиборлиси шуки, пахта ҳосилдорлиги 40 центнердан 52 центнерга кўтарилган бўлса, галлчиликдаги натижалар янада кўнунчли. Гектаридан 65-70 центнердан сарадон олинапти.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**  
**«Ишонч» мухбири.**

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида касабга уюшмалари вилоят кенгашининг тегишли қарори ва касабга уюшмаларининг ҳаракат дастури қабул қилинди. Ушбу дастурда туман, шаҳар, вилоят тармоқ касабга уюшма кўмити ва кенгашларининг иш ҳақидан қарздорликни тугатиш бўйича вазифалари белгиланди. Корхона ва ташкилот бошланғич ташкилотларининг қиладиган ишлари аниқ кўрсатиб берилди.

Шу йилнинг 12 апрелида вилоят ҳокимлиги, вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда касабга уюшмалари вилоят кенгаши ўртасида тузилган меҳнаткашлар ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш бўйича 2001-2002 йиллар учун тузилган битимнинг бажарилиши муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, касабга уюшмалари вилоят Кенгаши томонидан юқорида кўрсатилган ҳужжатларни ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йилнинг 1 июнигача маошдан қарздорлик мавжуд бўлган корхона маъмуриятларига 176 та эътирозномалар юборилди.

Барча корхона ва ташкилотларга ишлаб чиқилган ҳаракат дастурини етказиш ва жамоа

### Маошдан қарздорлик: муаммо ва ечим

# СУДГА ДАЪВО АРИЗАСИ КИРИТИЛДИ

шартномаларига ўзгартириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Кўрилган чоралар натижасида иш ҳақидан қарзи бўлган корхона ва ташкилотлар йил бошида 348 тани ташкил қилган бўлса, ўтган 5 ой давомида бу кўрсаткич 82 тага, иш ҳақидан қарздорлик эса 2 миллиард 125 миллион 937 минг сўмдан 286 миллион 289 минг 143 сўмга тушди.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси ва касабга уюшмалари вилоят кенгаши саъй-ҳаракати билан Қўқон шаҳридаги 10-ва Риштон туманидаги 54-автокорхоналарда бу борадаги камчиликлар тугатилди.

Иш ҳақини тўлашда сусткашликка йўл қўяётган корхоналар маъмурияти устидан судларга мурожаат этилмоқда. 2002 йил давомида 22 та корхона ва ташкилот маъмуриятларига нисбатан суд органлари даъво аризалари киритилди. Улардан Қувасой коммунал хизматдан фойдаланиш бошқармаси иш ҳақини тўлиқ тўлади. Қолган даъволар суд

мажлисида кўриб чиқилиш арафасида турибди.

Касабга уюшмалари вилоят кенгаши ва тармоқ кўмиталарига шу йилнинг 30 апрелига қадар иш ҳақидан қарздорлик бўйича 11 та ариза ва шикоят тушган. Уларни ижобий ҳал қилиш чора-тадбирлари кўрилди. Жумладан, «Фарғона сув қурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг Олтиарқ туманидаги 1-КМКнинг қатор механизматорларига шу йилнинг февралига қадар 4630,4 минг, вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли қурилиш ташкилотининг собиқ ишчилари Шетилов ва Қустовларга 2001 йилдаги, Бувайда тумани нон ишлаб чиқариш комбинати ишчиси А.Холиқовнинг иш ҳақлари, Фарғона механика заводининг 87 нафар ишчисининг 1,200 минг сўмлик фойдаланилмаган меҳнат таътиллари ҳақлари ундириб берилди.

**А.ДЕҲҚОНОВ,**  
**Фарғона вилояти касабга уюшмалари кенгашининг бош мутахассиси.**

манфаатдорлигини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Корхона қошида ташкил этилган ёрдамчи хўжалиқда етиштирилган неъматлар меҳнаткашлар дастурхонини тўқин қилмоқда. Гўшт, асал, сабзавотлар ишчи-ходимларга 50 фоз арзонлаштирилган нархда сотилапти.

**Суратларда: корхона касабга уюшма кўмитаси раиси И.Исоқов (чапда) раҳбар мухтаассислар билан ўзаро мулоқот чоғида; юқоридаги суратда эса «Пскент дон» қабул қилиш шахобчаси лаборатория ходимлари Гулина Юн ва Зухра Эшвалар ҳосил сифатини кўздан кечиришмоқда.**



### НОГИРОНЛАРГА ҲОМИЙЛАР ҲАМ

Бугунги кунда Шеробод тумани ижтимоий таъминот бўлими ходимлари ўзгалар парварлишига муҳтож ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларга сидқидилдан хизмат қилиб, уларнинг меҳрини қозонишмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан бу ерда яшовчи 92 нафар киши коммунал-маиший хизмат ва электр энергиясидан имтиёзли фойдаланмоқда.

### Савоб ишини ҳар ким, ҳар кун қилиши керак

Маҳаллалар томонидан ёлғиз қариялар, ногиронлар сартарошхона, устаноналарга бириктириб қўйилган. Шунингдек, дори-дармонлар билан имтиёзли таъминлаш яхши йўлга қўйилган. 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ижтимоий таъминот бўлими ходимлари томонидан ўз вақтида эҳтиёжманд фўкарлар уйларида етказиб берилмоқда.

### ОТИН АЁЛ ЭГАРЛАГАНДА

**Дехқонobod туманидаги Нодира маҳалласида ҳашар усули билан тикланган цехлар қишлоқ аҳлига намунали хизмат кўрсатмоқда.**

Маҳалладаги бу жойлар бир вақтлар қаровсиз эди. Марҳамат Нурматова маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайлангач, ҳашар усули билан турли маиший шахобчалар қуришга киришилди. Натижада тиквчилик, эгар-жабдуқ цехи ва сартарошхона ишга туширилди. Маҳалладаги хўнарандлар ушбу корхоналарга ишга жалб этилди. Айниқса, эгар-жабдуқ ясайдиган цехда тайёрланаётган маҳсулотларга талаб катта бўлмоқда. Дехқонobodликлар чорвадор халқ эмасми, шунинг учун ҳам эгар-жабдуқларнинг бозори чаққон бўлмоқда. Ҳатто кўшни Сурхондарё вилояти чавандозлари ҳам отлари учун зарур анжомларни шу ердан харид қилишмоқда.

- Дастлаб ишимиз бироз қийинчилик билан олға силжиди, - деди Марҳамат Нурматова "Туркистон-пресс" мухбирига. - Кейинчалик цехимизда ясаляётган маҳсулотларнинг харидори кўпайди. Бугунги кунда миқдорларнинг кўпайганиги учун беш нафар уста ишлаётган цех торлик қилиб қолди. Шунинг учун ҳам ҳозир қўшимча бино қуришга киришилди.

Қизилтепа туманидаги «Истиқлол» акциядорлик жамияти маъмурияти ва касабга уюшма кўмитаси корхонада ишловчиларнинг моддий



И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

**Табиат, бу — инсоният мавжудлигининг зарурий асоси, одам учун ҳаёт муҳити ва моддий захираларнинг яққаю-яқона манбайи ҳисобланади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона ҳамда мақсадли фойдаланиш, шунингдек, табиатни келажак авлодларга соф ҳолда етказиш каби масалалар бугунги кунда тобора муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Бу борада бир қатор қарор ва қонунлар қабул қилинди. Наманган вилоятида уларни ҳаётга жорий этиш юзасидан қандай ишлар амалга ошириляпти?**

масъулият юкланди. Бироқ, табиатни асраш — келажакни асрашдир, деган доно нақлга ҳамма ерда ҳам тўлиқ амал қилинапти, деб айтиш қийин. Ҳозирги кунда вилоятнинг Чуст, Тўрақўрғон туманлари ва Наманган шаҳри ҳудудларида бир қатор тарқоқ ҳолдаги норасмий цех-

зи жойларда махсус руҳсатнома расмийлаштирилмасдан, ўзбошимчилик ва хўжасизликка йўл қўйилляпти. Тегишли назорат органлари томонидан ўтказилган текширишларда аниқландики, ташкилот ва хўжалиқлар ер ости сувларидан фойдаланишда ноқонуний йил юритмоқдалар. Биз-

тиқча 888 минг кубометр сув олинган. 63 та корхона ва хўжалик эса 6 миллион 665 минг кубометр ер ости сувидан тегишли органларнинг руҳсатисиз фойдаланиб келган.

Вилоятда 42 та кенг тарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланувчи ташкилот ва кор-

### Масала кўндаланг қўйилади

кубометр ҳажмдаги фойдали қазилманинг ўзбошимчилик билан олинишига чек қўйилди.

Атроф-муҳит мусоф-фолигини сақлашда ўсимлик дунёсининг аҳамияти бекиёсдир. Илмий асосланган маълумотларга қараганда, бир гектар ўрмон йилига 18 миллион кубометр ҳавони тозалайди. 5-10 тоннагача карбонат-ангидридни ютади. 50-60 тонна чанг зарраларини ушлаб қолади ва 10-12 кубометр кислород ишлаб чиқаради. Айрим жойларда қурилиш баҳонасида ва уларни иситиш мақсадида дарахларни гайри-қонуний кесиб, табиатга бекиёс зарар келтирилмоқда. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси қонунга хилоф иш тутган 703 шахсга 3 миллион 35 минг, 82 та корхонага 5 миллион 302 минг сўм миқдорда жарима солади. Табиатга катта миқдорда зиён келтирилганлиги учун 5 та ҳолат бўйича материал тўпланиб,

прокуратура органларига оширилди. Жумладан, Уйчи туманидаги «Улуғбек» ширкат хўжалиги томонидан Наманган-Андижон автомагистрალი йўли ёқасидаги 100 тупдан ортиқ тўт дарахлари нобуд қилинганлиги, «Гулистон» ширкат хўжалиги томонидан Норин дарёси ҳавзасининг муҳофаза зонасидаги 419 туп терак кесиб юборилганлиги учун қонун асосида тегишли чоралар кўрилди.

Табиатни асраш, бу дунёни, келажакни асраш демакдир. Унга шафқатсизларча муносабатда бўлиш инсониятга катта зарар етказиши. Ўз юртини, ҳаётни севган киши она табиатни эъзозлаб, авайлаб асрашга қўлдан келганича ҳисса қўшиши керак. Зеро, бу авлодлар олдидаги бурчимиздир.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**  
**«Ишонч» мухбири.**

### АТРОФ-МУҲИТНИ КИМЛАР БУЛҒАМОҚДА?

риш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 8 апрелда қабул қилган «Ер ости сувларидан фойдаланишни тартибга солиш, уларни ифлослашдан ҳимоя қилиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан кейин қишлоқ, ер ости сувларидан фойдаланувчилар зиммасига алоҳида

лар пайдо бўлган. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган захарли моддалар ҳавони бузмоқда. Қолаверса, айрим корхона ва хўжалиқлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунини биноан табиий сув манбаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш талабларига ҳар доим ҳам риоя қилинмаяпти. Баъ-

га берилган маълумотларга қараганда Уйчи туманидаги 9 та, Унқўрғон туманидаги 10 та, Янгиқўрғон, Норин, Наманган туманларидаги 12 та корхона ва хўжалиқда руҳсатномасиз шундай ишга қўл урилган. Умуман, ўтган йил мобайнида Косонсой, Наманган, Чуст туманлари қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари томонидан белгиланган лимитдан ор-

табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси М.Хошимўжаев. — Масалан, сув захираларини асраш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоятимиздаги «Норин», «Пешқўрғон», «Олмос-Варзак» ер ости чўчүк сувлари ҳосил бўлган ҳудудларга «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд» маконини бе-

**Т.ЖАЛИЛОВ,**  
**«Ишонч» мухбири.**



15-21 июл

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 15

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телегетонабилар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 15 июл куни «Ўзбекистон» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

- 15.00 «Тахлилнома». 15.45 ТВ клип. 15.50 «Ошин». Телесериал. 16.20 «Обод уйда пок одамлар яшайди». 16.40 «Жаҳон киноси юлдузлари». Эгиз таътил кунларида: «Болалар сайёраси». 17.00 1. «Улгайиш погонлари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 18.00 Янгилıklar 18.10 «Мулк». 18.30 «Олтин мерос». 18.45 «Бахтли воқеа». Телелотеря. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 Биржа ва банк хабарлари. 20.30 «Ахборот». 21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Оғир синовлар даври». Премьера. 1-қисм. 21.30 «Бир жуфт қўшиқ». 21.40 «Қалқон». 21.50 «Ошин». Телесериал. 22.00 «Обод уйда пок одамлар яшайди». 22.10 «Оқ йўл!» Шаҳнозобону куйлайди. 22.45 «Спорт, спорт, спорт». 23.00 «Ахборот-дайдест». 23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

